222-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

Чет эл фукаролари хамда фукаролиги булмаган шахсларни Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий ва вактинча прописка килиш тартиби тўгрисидаги йўрикномани тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 14 майда руйхатдан утказилди, руйхат рақами 2363

(2012 йил 24 майдан кучга киради)

«Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим булган шахслар — Узбекистон Республикаси фукаролари тоифаларининг руйхати туррисида» ги Узбекистон Республикаси Конунига (Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2011 йил, 37-сон, 375-модда) ва . Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим булган шахслар — Узбекистон Республикаси фукаролари тоифаларининг руйхати туррисида» ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2012 йил, 16-сон, 179-модда) мувофиқ буюраман:

- 1. Чет эл фукаролари хамда фукаролиги булмаган шахсларни Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий ва вактинча прописка килиш тартиби тўгрисидаги йўрикнома иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган күндан бошлаб ун күн утгандан кейин күчга киради.

Б. МАТЛЮБОВ Вазир

Тошкент ш., 2012 йил 1 май, 72-сон

20 (520)-сон — 37 — 222-модда

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 72-сон буйруғига ИЛОВА

Чет эл фукаролари хамда фукаролиги булмаган шахсларни Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий ва вактинча прописка килиш тартиби тугрисидаги ЙУРИКНОМА

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўрикнома «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим булган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фукаролари тоифаларининг руйхати тургисида» ги Узбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2011 й., 37-сон, 375-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим булган шахслар — Узбекистон Республикаси фукаролари тоифаларининг руйхати туррисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2012 йил, 16-сон, 179-модда) мувофик Узбекистон Республикасида яшаш гувохномасига (кейинги ўринларда яшаш гувохномаси деб юритилади) эга булган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларни Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий ва вактинча прописка килиш, шунингдек чет эл фукаролари ва фуқаролиги булмаган шахсларга доимий яшаш учун рухсат бериш тартибини белгилаб беради.

Мазкур Йўрикноманинг коидалари конун хужжатларига мувофик вактинча прописка килинишдан озод этилган шахсларга, шунингдек чет эл фукароларига — хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига татбик этилмайди.

2. Яшаш гувохномасига эга булган чет эл фукароларини ва фукаролиги булмаган шахсларни, шунингдек хорижий давлатлардан келаётган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларни доимий ва вактинча прописка килиш ички ишлар органлари (кейинги ўринларда ИИО деб юритилади) томонидан амалга оширилади хамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хукукбузарликнинг олдини олиш, шунингдек ахоли миграциясини хисобга олиш максадида Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида шахснинг доимий яшаши ёки муайян жойда вактинча булиши фактини аниклашни назарда тутади.

Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий ёки вақтинча прописка қилинган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар прописка қилинган жойда яшашлари лозим.



222-модда

II боб. Хорижий давлатлардан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш үчүн рухсат олиш

3. Хорижий давлатлардан келган, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида камида бир йил яшаган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий яшашга рухсат олиш учун туман (шахар) ички ишлар бошқармаси (булими)нинг (кейинги уринларда ТШИИБ деб юритилади) хорижга чиқиш-келиш ва фукароликни расмийлаштириш булимига (кейинги уринларда ХЧКваФРБ деб юритилади) мурожаат этиши мумкин. Бунинг учун улар ТШИИБ ХЧКваФРБга қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўрикноманинг 1-иловасига мувофик шаклда икки нусхада ариза-анкета;

чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги булмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўгрисида нотариал тасдикланган аризаси (розилиги), шунингдек уй-жой учун хужжатлар нусхалари;

никох тузилганлиги ёки фарзанд туғилганлиги тургисидаги гувохноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари, зарур холларда яқин қариндошининг вафот этганлиги тургисида гувохнома нусхаси;

хорижий давлатлар хукукни мухофаза килиш органлари томонидан ёки хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, консуллик муассасаси томонидан берилган, аввалги яшаш жойи бўйича судланмаганлиги тўгрисида маълумотнома (Мустакил Давлатлар Хамдўстлигига аъзо давлатлардан келган хорижий фукаролар ва фукаролиги бўлмаган шахслар учун);

35 х 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

хужжатларнинг куриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун йиғим туланганлиги туррисидаги квитанция.

- 4. ТШИИБ ХЧКваФРБ ходими барча хужжатларни олгач, ариза берувчидан доимий пропискага рад жавоби берилса, республикада булиш учун бошқа асослар булмаган такдирда вақтинча прописка муддати тугаши билан республика худудидан чиқиб кетиши туррисида мазкур Йурикноманинг 2-иловасига мувофик тилхат олади.
- 5. ТШИИБ ХЧКваФРБ барча хужжатлар ўрганилгандан кейин икки хафта муддатда ариза берувчининг вақтинча яшаш жойи буйича текшириш утказади, унинг натижаси буйича фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан чет эл фукаросининг ёки фукаролиги булмаган шахснинг вақтинча прописка қилинган жойи буйича яшаши туррисида, фукароларнинг узини ўзи бошқариш органи раиси, маҳалла фаоллари, профилактика инспектори, шахс яшаган уй эгаси томонидан имзоланадиган далолатнома ту-

зилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИВ деб юритилади) Ахборот марказидан ва Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармасининг (кейинги ўринларда Тошкент шахар ИИББ деб юритилади) Манзил маълумотнома бюросидан (кейинги ўринларда ММБ деб юритилади) ариза берувчи ва турар жой эгасига доир тегишли маълумотлар сўраб олинади.

ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан барча хужжатлар олингач, чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахсга нисбатан шахсий йигма иш жилди очилади хамда тўпланган хужжатлар бўйича маълумотнома тайёрланиб шахсий йигма иш жилди билан бирга Тошкент шахар ИИББнинг Хорижга чикиш-келиш ва фукароликни расмийлаштириш бошкармасига (кейинги ўринларда ИИББ ХЧКваФРБ деб юритилади) ёки Тошкент вилояти Ички ишлар бошкармасининг Хорижга чикиш-келиш ва фукароликни расмийлаштириш бўлимига (кейинги ўринларда ИИБ ХЧКваФРБ деб юритилади) юборилади.

ИИББ ХЧКваФРБ ва ИИБ ХЧКваФРБ томонидан уч иш куни ичида ариза-анкетанинг бир нусхаси тегишли ваколатли органга юборилади.

6. Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган такдирда ИИББ ХЧКваФРБ ва ИИБ ХЧКваФРБ томонидан ўн кунлик муддатда ИИББ ёки ИИБ бошлиги ўринбосари томонидан тасдикланадиган хулоса тайёрланади ва материаллар ИИВ Хорижга чикиш-келиш ва фукароликни расмийлаштириш бошкармасига (кейинги ўринларда ИИВ ХЧКваФРБ деб юритилади) якуний карор чикариш учун юборилади.

ИИВ ХЧКваФРБ ушбу масалани хал этишда тегишли ваколатли органнинг фикр-мулохазасини, зарурият бўлганда эса — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хулосасини сўраб олади ва бир ой муддат мобайнида ИИВ ўринбосари томонидан тасдикланадиган қарор чиқаради. Қарор чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йигма иш жилдига бириктирилган холда тегишлилиги бўйича ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБга ижро учун юборилади.

- 7. ИИВнинг ижобий қарори бошқа давлатлардан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фукаролари ҳамда фуқаролиги булмаган шахсларга чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс учун яшаш гувоҳномасини белгиланган тартибда расмийлаштириб бериш учун асос ҳисобланади.
- 8. ИИВдан ижобий жавоб олингач, ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ икки иш кунида материалларни тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБга чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларга яшаш гувоҳномасини хамда доимий пропискани расмийлаштириб бериш учун юборади.
- 9. ТШИИБ ХЧКваФРБ материалларни олгач, уч иш кунида ариза берувчига ёки турар жой эгасига ёзма равишда хабар бериб, уларнинг мурожаати асосида яшаш гувоҳномасини расмийлаштириб беради ва унинг тегишли бетига доимий прописка штампини қуяди. Бир вақтнинг узида ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан чет эл фукароси ва фукаролиги булмаган шахсга



Узбекистон Республикасида булиш қоидалари тушунтирилади ҳамда бу ҳақда ундан мазкур Йуриқноманинг 3-иловасига мувофиқ тилхат олинади.

ИИВ томонидан ижобий қарор қабул қилинган ва айни пайтда турар жой эгаси томонидан ёзма рад жавоби берилган тақдирда, шунингдек ариза берувчи ёки уй-жой эгаси хабардор қилинган кундан бошлаб олти ой муддат ичида ариза берувчи яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш ва доимий прописка қилиш учун мурожаат қилмаса, ТШИИБ ХЧКваФРБ қарорни ижро қилиш имконияти йуқлигини ёзма равишда маълум қилган холда уч кунда шахсий йиғма иш жилдини ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ орқали ИИВ ХЧКваФРБга юборади.

ИИВ ХЧКваФРБ олинган хужжатларни ўрганиб чикиб, ИИВ ўринбосари томонидан тасдикланадиган қарор билан аввалги ижобий қарорни бекор килади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган холда ижро учун тегишлилиги бўйича ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ оркали ТШИИБ ХЧКваФРБга қайтариб юборилади.

10. «Ўзбекистон Республикасининг фукаролиги тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргандан, яъни 1992 йил 28 июлдан кейин, республикага келиб, Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида собик ССР иттифоки паспорти билан истикомат килаётганлар, шунингдек бу паспортни йўкотганлар ва бошка шахсини тасдиклайдиган хужжати бўлмаганлар ёки факатгина тугилганлик тўгрисидаги гувохнома билан яшаётган шахслар шахсни тасдикловчи хужжат олиш масаласи бўйича тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБга мурожаат килиб, куйидаги хужжатларни такдим этади:

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган шахснинг муайян жойда муайян санадан буён пропискасиз ва хужжатларсиз яшаб келаётганлиги тўгрисида, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси, махалла фаоллари, профилактика инспектори, шахс яшаган уй эгаси, кўшнилари томонидан имзоланган, унинг фотосурати ёпиштирилиб, алохида гербли мухр билан тасдиқланган далолатнома;

собиқ ССР иттифоқи паспорти ёки туғилганлик тўгрисида гувоҳнома, ушбу ҳужжатлар бўлмаганда ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасида таълим олганлиги ёки меҳнат қилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар.

11. Мазкур Йўрикноманинг 10-бандида кўрсатилган хужжатлар асосида ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан уч кунда шахсга мазкур Йўрикноманинг 4-иловасига мувофик шаклда маълумотнома берилади. Ушбу маълумотнома асосида шахс ўзи туғилган ёки муқаддам истикомат килган хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик элчихонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат килади ва унинг ушбу хорижий давлат фукаролигига мансуб эмаслиги, олдинги яшаш жойи бўйича прописка килинмаганлиги тўгрисида маълумотномани олади. Шундан сўнг, шахс ушбу маълумотномани ва мазкур Йўрикноманинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган хужжатларни доимий яшашга рухсат олиш ва доимий прописка килиш учун ТШИИБ ХЧКваФРБга такдим этади.

Барча хужжатлар такдим этилгач, ТШИИБ ХЧКваФРБ ходими уч кунда шахснинг олдинги яшаш жойи буйича тегишли давлатнинг хукукни мухофаза килиш органларига унинг хорижий давлат фукаролигига мансуб эмаслиги ва пропискаси йуклиги турисида суровнома юборади. Бунда, суровнома факат прописка институти мавжуд Мустакил Давлатлар Хамдустлигига аъзо давлатларга юборилади.

Сўровномага жавоб келгунга қадар мазкур тоифа шахсларнинг доимий яшашга рухсат олиш учун берган аризалари мазкур Йўрикноманинг 5—9 бандларига асосан кўриб чикилади.

Сўровнома юборилгандан кейин уч ой ичида жавоб келиб тушмаса, ТШИИБ ХЧКваФРБ ходими мазкур Йўрикноманинг 10-бандида ва мазкур бандда кўрсатилган мавжуд хужжатлар билан чекланади.

12. Хорижий давлатлардан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларга Узбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат беришни рад этиш тугрисидаги қарор ИИББ, ИИБ ёки ИИВ томонидан қабул қилиниши мумкин.

Доимий яшаш учун рухсат бериш қуйидаги холларда рад этилади:

миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йӱлида;

шахснинг белгиланган тартибда судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган булса;

шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланған таш-килотларға дахлдор булса;

шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида била туриб ёлғон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса;

хужжатларни куриб чикиш боскичида доимий прописка килишга турар жой эгаси томонидан рад жавоби берилса.

13. Хорижий давлатлардан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат бериш рад этилган такдирда хужжатлар уч иш куни ичида ТШИИБ ХЧКваФРБга қайтарилади, ТШИИБ ХЧКваФРБ бир сутка мобайнида ушбу қарорни ариза берувчига етказади. Агарда чет эл фукаролари ҳамда фукаролиги булмаган шахсларда республика ҳудудида вақтинча яшаш учун асослар булмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудини унга белгиланган муддатда тарк этиши лозим.

Вақтинча яшаш учун қуйидагилар асос бўлади (бундан мазкур Йўрикноманинг 12-банди учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар мустасно):

ариза берувчининг ота-онаси, эри (хотини), фарзандлари, туғишган ака (ука), опа (сингил)лари Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган булса;

ариза берувчи Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида ўз турар жойига эга булса;



222-модда ариза берувчи Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида жойлашган таш-

килотларда мехнат шартномаси асосида ишлаётган булса; ариза берувчи Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида жойлашган таълим муассасаларида ўкиётган бўлса.

- 14. Рад жавоби берилган такдирда, чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс уч ой утгандан кейин доимий яшаш учун рухсат олишга такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун мазкур Йўриқноманинг 3-бандида назарда тутилган хужжатлар топширилади.
- 15. Прописка қилиш ва пропискадан чиқариш тартиби мавжуд булган хорижий давлатлардан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар Узбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат олганларидан кейин муқаддам пропискада турган жойидан пропискадан чиққанлик (жүнаб кетиш варақаси) фактини тасдиқловчи тегишли хужжатларни ёки бундай тартиб йўклиги тўгрисидаги хужжатларни такдим этади.

III боб. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган хамда яшаш гувохномасига эга булган чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахсларни доимий прописка қилиш

16. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган хамда яшаш гувохномасига эга булган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар доимий пропискани расмийлаштириш учун ТШИИБ ХЧКваФРБга қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофик шаклда икки нусхада ариза-анкета:

яшаш гувохномаси;

уй-жой учун хужжатларнинг нотариал тасдикланган нусхалари;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўгрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никох тузилганлиги тўгрисида гувохнома ёки фарзандларининг тугилганлиги тўгрисидаги гувохномаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

прописка қилинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўгрисидаги квитанция.

17. ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан бир сутка мобайнида хужжатлар ўрганилиб, расмийлаштирилгандан кейин чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахсга шахсий йигма иш жилди очилади хамда улар мазкур Йўрикноманинг 6-иловасига мувофик шаклдаги китобга кайд этилгач, ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБга юборилади.

Чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йигма иш жилди олингандан сўнг ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ томонидан уч иш куни мобайнида хужжатлар, ариза берувчининг, таклиф этаётган



шахсларнинг шахси текширилади ҳамда ариза-анкетанинг бир нусхаси тегишли ваколатли органга юборилади.

Бир вақтнинг ўзида ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ томонидан ўн кун муддат ичида ИИВ Ахборот марказидан ва Тошкент шахар ИИББнинг ММБдан ариза берувчи ва турар жой эгасига доир маълумотлар сўраб олинади.

18. ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахсга шахсий йигма иш жилди очилгач, уч кунда Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда Қорақалпогистон Республикаси ИИВ деб юритилади) ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг (кейинги ўринларда ИИБ деб юритилади) ХЧКваФРБларига ариза берувчининг яшаш гувоҳномасини қонуний олганлигига доир хулоса олиш учун сўровнома юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБ сўровномани олгач, ўн кунда чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномасини қонуний олганлиги бўйича хулоса тайёрлайди ва сўровномани юборган ТШИИБ ХЧКваФРБга жўнатади.

- 19. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ёки вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБдан олинган хулоса ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан ариза берувчининг шахсий йиғма иш жилдига бириктириш учун тегишли ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБга юборилади.
- 20. Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган такдирда ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ томонидан ўн кун муддатда ИИББ ёки ИИБ бошлиги ўринбосари томонидан тасдикланадиган хулоса тайёрланади ва хужжатлар якуний карор чикариш учун ИИВ ХЧКваФРБга юборилади.
- 21. ИИВ ХЧКваФРБ ушбу масалани ҳал этишда тегишли ваколатли органнинг фикр-мулоҳазасини сўраб олади ва бир ой муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Қарор чет эл фуқароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда тегишлилиги бўйича ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБга ижро учун юборилади.
- 22. ИИВнинг ижобий қарори республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга булган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги булмаган шахсларга Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштириб бериш учун асос ҳисобланади.
- 23. ИИВ ХЧКваФРБдан доимий прописка масаласи буйича ижобий қарорга доир материаллар олингач, ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ уч кунда уларни доимий пропискани расмийлаштириш учун тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБга юборади.
- 24. Доимий прописка масаласи буйича ижобий қарорга доир материаллар олингач, ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан бир кунда ариза берувчининг

222-модда

олдинги яшаш жойи буйича ТШИИБ ХЧКваФРБга унинг шахсий йигма иш жилдини ва хисоб карточкасини жунатиш тугрисида суровнома юборилади.

Бир вақтнинг ўзида ариза берувчига прописка масаласи ижобий ҳал бўлганлиги ёзма равишда етказилади.

25. Ариза берувчи аввал доимий прописка қилинган тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБ сўровномани олгач, бир кунда ариза берувчининг шахсий йигма иш жилдини ва хисоб карточкасини сўровномани юборган ТШИИБ ХЧКваФРБга жўнатади хамда бир вактнинг ўзида бу хакда тегишли Қорақалпогистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБларни хабардор қилади.

Ариза берувчи аввал доимий прописка қилинган ТШИИБ ХЧКваФРБ, Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка учун рухсат олган чет эл фукароси ва фукаролиги булмаган шахснинг мурожаати асосида уни бир кунда белгиланган тартибда пропискадан чиқаради.

26. Республиканинг бошқа минтақасидан пропискадан чиқарилгандан кейин чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида танлаган яшаш жойи бўйича тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБда белгиланган тартибда доимий прописка расмийлаштириб берилади.

ИИВ томонидан ижобий қарор қабул қилинган ва айни пайтда турар жой эгаси томонидан ёзма рад жавоби берилган тақдирда, шунингдек ариза берувчи ёки уй-жой эгаси хабардор қилингандан бошлаб уч ой муддат ичида ариза берувчи доимий пропискани расмийлаштириш буйича мурожаат қилмаса, ТШИИБ ХЧКваФРБ сабабини курсатиб, қарорни ижро қилиш имконияти йуқлигини маълум қилган ҳолда уч иш куни ичида шахсий йигма иш жилдини ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ орқали ИИВ ХЧКваФРБга юборади.

ИИВ ХЧКваФРБ томонидан мавжуд хужжатлар ўрганиб чиқилгач, ИИВ ўринбосари томонидан тасдикланадиган қарор билан аввалги ижобий қарор бекор қилинади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда ижро учун тегишлилиги буйича ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ орқали ТШИИБ ХЧКваФРБга қайтариб юборилади.

- 27. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувохномасига эга бўлган чет эл фукароларини ва фукаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилишни рад этиш тўгрисидаги қарор ИИББ, ИИБ ёки ИИВ томонидан қабул қилиниши мумкин.
- 28. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга булган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги булмаган шахсларни Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йуҳлида;

шахснинг белгиланган тартибда судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган булса;

шахс террористик, экстремистик, жиноий ва бошқа тақиқланган ташкилотларга дахлдор булса;

шахс ўзи ва яқин қариндошлари ҳақида била туриб ёлғон маълумотлар берса ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этса;

хужжатларни куриб чикиш боскичида доимий пропискага турар жой эгаси томонидан рад жавоби берилса;

хужжатларни куриб чиқиш босқичида шахс аввал прописка қилинган тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан унинг яшаш гувоҳномаси ноқонуний олинганлиги аниқланса.

- 29. Республиканинг бошқа минтақалардан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувохномасига эга булган чет эл фукароларига ва фукаролиги булмаган шахсларга доимий прописка қилиш рад этилган тақдирда ички ишлар вазири уринбосари, ИИББ ёки ИИБ бошлиғи уринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқарилади. Қарор чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган холда уч иш куни мобайнида ТШИИБ ХЧКваФРБга қайтарилади, у бир сутка мобайнида ушбу қарорни ёзма равишда ариза берувчига етказади.
- 30. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахсларнинг республиканинг бошка минтакаларига доимий прописка килиниши ва пропискадан чикарилиши, шунингдек уларнинг хорижий давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чикарилиши конун хужжатларига мувофик амалга оширилади.

Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар хорижий давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чиқарилганда, уларнинг мурожаати буйича тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан белгиланган тартибда улар республика ташқарисига чиқиб кетгунга қадар вақтинча прописка қилиниши мумкин.

31. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар хорижий давлатга доимий яшашга кетаётганлиги сабабли пропискадан чикарилган такдирда, бирок бир йил ичида республикадан чикиб кетмаганда, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтмаганда, улар олдинги яшаш жойи бўйича ёки республиканинг бошка минтакасига тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан доимий прописка қилинади.

Бунда, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш учун чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахс ТШИИБ ХЧКваФРБ-га республикадан чикиб кетмаганлиги сабабини тўлик кўрсатган холда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

чет эл фукаросининг паспорти ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг харакатланиш хужжати;

туғилганлик тургисидаги гувохнома — 16 ёшга тулмаган шахслар учун;



222-модда

уй-жой учун хужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўгрисида нотариал тасдикланган аризаси (розилиги);

жўнаб кетиш варақаси;

прописка қилинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўгрисидаги квитанция.

32. Мазкур Йўриқноманинг 31-бандида кўрсатилган хужжатлар асосида ТШИИБ ХЧКваФРБ ариза берган чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахс тўгрисидаги маълумотларни олиш учун бир кунда ИИВ Ахборот маркази ва ИИББнинг ММБга сўровнома юборади. Жавоб олингандан сўнг уч иш кунида ТШИИБ бошлиги томонидан тасдикланадиган хулоса асосида белгиланган тартибда чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувохномаси расмийлаштириб берилади ва доимий прописка килинади. Бунда, фукаролиги бўлмаган шахснинг харакатланиш хужжатидаги чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг стикери бекор килинади ва бу хакда уч иш куни ичида ваколатли органга хамда тегишлилиги бўйича ИИББ ХЧКваФРБга ёки ИИБ ХЧКваФРБга маълумотнома юборилади.

IV боб. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган хамда яшаш гувохномасига эга булган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги булмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш

- 33. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга булган чет эл фуқароларини ва фукаролиги булмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш, доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан, келган жойи буйича уч кундан олти ойгача булган муддатга амалга оширилади ҳамда Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида уй-жой сотиб олиш, шунингдек доимий иш ва ижтимоий кафолатлар олиш учун асос ҳисобланмайди.
- 34. Чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар вактинча прописка олиш учун Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган кунидан бошлаб уч кун муддатда тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБга куйидаги хужжатларни такдим этади:

мазкур Йўрикноманинг 7-иловасига мувофик шаклда ариза;

яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги булмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

туғилганлик тўғрисидаги гувохнома — 16 ёшга тўлмаган шахслар учун; уй-жой учун хужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўгрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

прописка қилинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўгрисидаги квитанция.



35. ТШИИБ ХЧКваФРБ барча хужжатларни олгач, бир кунда аризани белгиланган тартибда расмийлаштириб, мазкур Йўрикноманинг 8-иловасига мувофик шаклдаги китобга қайд этади ҳамда аризада кўрсатилган, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга вактинча пропискани расмийлаштиради. Бунда, яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжатига вактинча прописка штампи қўйилади.

Чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахс муайян сабабларга кўра вактинча пропискадан ўтган манзилини Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятидаги бошка манзилга ўзгартириш истагини билдирса, у холда янги манзил бўйича тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБга мурожаат килиб, мазкур Йўрикноманинг 34-бандида кўрсатиб ўтилган хужжатларни такдим этади, бундан мазкур Йўрикноманинг 34-банди еттинчи хатбошисидаги кўрсатилган хужжат мустасно.

ТШИИБ ХЧКваФРБ барча хужжатларни олгач, бир кунда аризани белгиланган тартибда расмийлаштириб, мазкур Йўрикноманинг 8-иловасига мувофик шаклдаги китобга қайд этгач, яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжатига қуйилган аввалги вақтинча пропискани бекор қилади ва аввалги вақтинча пропискада курсатилган муддатга вақтинча пропискани расмийлаштиради.

- 36. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фукаролиги бўлмаган шахсларни ҳисобга олиш улар келгач, ушбу муассасалар маъмурияти томонидан, яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати асосида амалга оширилади.
- 37. Таълим муассасаларига ўкиш учун республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувохномасига эга бўлган чет эл фукароларини ва фукаролиги бўлмаган шахсларни вактинча прописка килиш ўкиш даврига олдинги яшаш жойидан пропискадан чиқарган холда амалга оширилади.

Бунинг учун чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахс ўкийдиган таълим муассасаси рахбарияти унинг таълим муассасасига қабул қилинганлиги тўгрисида буйруқни илова қилган холда талабалар турар жойи жойлашган жойдаги ТШИИБ ХЧКваФРБга ўкув йили бошланишидан олдин илтимоснома юборади.

38. ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан уч кунда тегишлилиги буйича Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБга чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдини, ҳисоб карточкаси ва яшаш гувоҳномаси қонуний олинганлиги турисида ҳулоса бериш ва ариза берувчини белгиланган тартибда пропискадан чиқариш учун суровнома юборилади.

Бир вақтнинг ўзида ўн кун муддат ичида ИИВ Ахборот маркази ва ИИББнинг ММБ орқали ариза берувчига доир маълумотлар мавжудлиги текширилади.



- 39. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБ сўровномани олгач, уч кунда яшаш гувохномасининг қонуний олинганлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди. Хулоса, шахсий йиғма иш жилди ва ҳисоб карточкаси сўровномани юборган ТШИИБ ХЧКваФРБга жўнатилади. Чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг мурожаати асосида у белгиланган тартибда пропискадан чикарилади.
- 40. Чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувохномасини ноконуний олганлиги аникланган такдирда тегишли Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБ бир кунда бу ҳакда сўровномани юборган ТШИИБ ХЧКваФРБга маълум қилади ҳамда яшаш гувоҳномасини қайтариб олиш ва бекор қилиш чораларини кўради.
- 41. ТШИИБ ХЧКваФРБ чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувохномаси конуний олинганлиги тўгрисида хулосани, шахсий йигма иш жилдини ва хисоб карточкасини олгач, уларни уч иш куни ичида ўрганиб чикади ва вактинча прописка килиш тўгрисида карор кабул килади. Бу хакда ариза берувчи хабардор килинади хамда ариза берувчининг мурожаати асосида вактинча прописка белгиланган тартибда расмийлаштириб берилади.
- 42. Талабалар турар жойида яшаш ўрни бўлмаганда, таъмирланаётганда ёки шу каби бошқа холатларда таълим муассасаси рахбарияти томонидан хусусий турар жой жойлашган жойдаги ТШИИБ ХЧКваФРБга юбориладиган илтимоснома асосида яшаш гувохномасига эга бўлган чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар юкорида кўрсатилган сабаблар бартараф этилгунга кадар, илтимосномада кўрсатилган муддатга хусусий турар жойга вактинча прописка қилинади.
- 43. Чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида жойлашган бошка таълим муассасасига укишга утганда, мазкур муассасалар рахбарияти бу хакда чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс вактинча келган жой буйича ТШИИБ ХЧКваФРБга ёзма равишда маълум килади. ТШИИБ ХЧКваФРБ бир кунда чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс аввал яшаган жойдаги ТШИИБ ХЧКваФРБга унинг шахсий йигма иш жилди ва хисоб карточкасини жунатиш хамда ариза берувчини белгиланган тартибда пропискадан чикариш тугрисида суровнома юборади. Суровномани олгач, ТШИИБ ХЧКваФРБ бир кунда чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахсни белгиланган тартибда пропискадан чикаради ва унга тегишли шахсий йигма иш жилди ва хисоб карточкасини суровномани юборган ТШИИБ ХЧКваФРБга жунатади.
- 44. Чет эл фукароси ёки фукаролиги булмаган шахс Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига укишга утганда, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидаги тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБ курсатиб утилган шахс укишга келган жойдаги ТШИИБ ХЧКваФРБнинг суровномасига асосан уни бир кунда белгиланган тартибда пропискадан чиқаради ҳамда шахсий йиғма иш жилдини ва ҳисоб карточкасини суровномани юборган ТШИИБ ХЧКваФРБга жунатади.

- 45. Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида жойлашган таълим муассасасида ўкийдиган чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахс ўкишдан четлаштирилганда, академик таътил олганда, озодликдан махрум килинганда ёки вафот этганда, таълим муассасасининг хабарномаси асосида кўрсатиб ўтилган шахс вактинча прописка килинган жойдаги ТШИИБ ХЧКваФРБ уч кунда вактинча пропискани бекор килади, бу хакда мазкур Йўрикноманинг 9-иловасига мувофик шаклда ТШИИБ бошлиги томонидан тасдикланадиган хулоса тайёрлайди ва аввалги яшаш жойи бўйича ТШИИБ ХЧКваФРБга шахсий йигма иш жилдини ва хисоб карточкасини белгиланган тартибда сақлаш учун юборади.
- 46. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида жойлашган таълим муассасасида ўкиётган чет эл фукаролари ёки фукаролиги бўлмаган шахслар хорижий давлатлардаги таълим муассасасига ўтганда, улар ўкиган таълим муассасаси рахбарияти бу ҳакда вақтинча пропискани расмийлаштирган ТШИИБ ХЧКваФРБни хабардор қилади.

Таълим муассасаси рахбариятининг хабарномаси асосида ТШИИБ ХЧКваФРБ уч кунда вактинча пропискани белгиланган тартибда бекор қилади ҳамда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги булмаган шахсга тегишли булган шахсий йигма иш жилдини ва ҳисоб карточкасини у аввалги яшаган манзил буйича тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБга белгиланган тартибда сақлаш учун юборади.

- 47. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида жойлашган таълим муассасасида ўкийдиган чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувохномасининг муддати тугаганда, йўколганда ёки яроксиз холга келганда, шунингдек унинг фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган санаси, миллати, фукаролиги ўзгарганда, ушбу шахс вактинча яшаш жойи бўйича ТШИИБ ХЧКваФРБга яшаш гувохномасини алмаштириш сабабларини кўрсатган холда ариза билан мурожаат қилади.
- 48. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида жойлашган таълим муассасасида ўкийдиган чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси муддатини узайтириш, йўкотилганлиги, яроқсиз ҳолга келганлиги ёки бошқа сабабларга кўра алмаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
- 49. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида жойлашган таълим муассасасида ўкийдиган чет эл фукароси ёки фукаролиги бўлмаган шахс хорижга чикаётган холларда тегишли хужжатларни расмийлаштириш таълим муассасаси илтимосномаси асосида вактинча яшаш жойи бўйича ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан конун хужжатларига мувофик амалга оширилади.
- 50. Охирги вақтинча прописка расмийлаштирилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида вақтинча пропискани такроран расмийлаштириш масаласини куриб чиқиш ИИВ ХЧКваФРБ томонидан амалга оширилади. Бунинг учун чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар ТШИИБ ХЧКваФРБга вақтинча прописка муддати тугашига камида 15 кун қолганда қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

мазкур Йурикноманинг 10-иловасига мувофик шаклда ариза;

яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бÿлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

туғилганлик тўғрисидаги гувохнома — 16 ёшга тўлмаган шахслар учун; уй-жой учун хужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўгрисида нотариал тасдикланган аризаси (розилиги);

вақтинча пропискани такроран расмийлаштириш зарурлигини тасдиқловчи хужжат;

прописка қилинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўгрисидаги квитанция.

Ариза руйхатдан ўтказилгандан, шунингдек хужжатлар белгиланган тартибда ўрганилгандан ва расмийлаштирилгандан кейин ТШИИБ ХЧКваФРБ шу куннинг ўзида материалларни тегишлилиги буйича ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБга юборади.

51. ИИББ ХЧКваФРБ, ИИБ ХЧКваФРБ уч кун муддатда хужжатларнинг тўликлигини ва ишончлилигини текширади хамда ўрганиш якунларига кўра ариза берувчи тўгрисидаги маълумотлар, вактинча пропискани такрорий расмийлаштиришнинг максади ва ариза берувчининг олдинги вактинча пропискаси давридаги фаолияти тури, шунингдек турар жой майдони бераётган шахслар тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотномани тайёрлайди.

ИИББ ХЧКваФРБ, ИИБ ХЧКваФРБ бир сутка ичида материалларни ИИВ ХЧКваФРБга юборади.

ИИВ ХЧКваФРБ бир хафта муддатда материалларни куриб чикиб, чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларнинг хар бир аризаси буйича вактинча пропискани такрорий расмийлаштиришга рухсат бериш ёки уни рад этиш турисида хулосани тайёрлайди ва тегишли ИИББ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБни бир сутка мобайнида кабул килинган карор хакида хабардор килади.

52. Қуйидаги ҳолатлар тасдиқланганда ИИВ ХЧКваФРБ томонидан вақтинча пропискани такрорий расмийлаштиришга рухсат берилади:

ариза берувчи Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида жойлашган даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган булса;

ариза берувчининг ота-онаси, эри (хотини), фарзандлари, тугишган ака (ука), опа(сингил)лари Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида жойлашган даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган булса;

Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида жойлашган ташкилотларнинг илтимосномасига кура ариза берувчи мехнат фаолиятини давом эттирса;

ариза берувчи Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка учун хужжатлар топширган булса.

53. ИИВ ХЧКваФРБнинг қарорини ижро этиш тўгрисидаги кўрсатмани ИИББ ХЧКваФРБ, ИИБ ХЧКваФРБ бир сутка мобайнида ТШИИБ ХЧКваФРБга юборади.

ИИВ ХЧКваФРБнинг қарори ижобий бўлган тақдирда ТШИИБ ХЧКваФРБ бир сутка мобайнида ариза берувчини хабардор қилади ҳамда чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга вақтинча пропискани белгиланган тартибда такрорий расмийлаштиради, қарор салбий бўлган тақдирда эса — ушбу қарорни ариза берувчига етказади ҳамда уни ИИО томонидан белгиланадиган муддатда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан жўнаб кетиши мажбурияти тўгрисида огоҳлантиради.

